

Забидий / ВАХИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 45-ҳадис

45/48 - عَنْ عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «سِبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ، وَقِتَالُهُ كُفُرٌ».

45.48 Зубайддан ривоят қилинади:

«Абу Воилдан муржиъалар* хусусида сўрадим. Шунда у деди: «Менга Абдуллоҳ айтиб берди: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Мусулмонни сўкиш фосиқлик, унга қарши жанг қилиш эса куфрдир»**, деганлар».

* Муржиъалар («кечиктирувчилар») – ботил фирмалардан бири. Хаворижлар гуноҳи кабира қилганларни дарҳол жазолаш тарафдори бўлса, муржиъийлар жазолашни кечиктиришни ёқлаб чиқишиган. Шунинг учун улар шундай ном олишган. Муржиъа фирмасидагилар мўмин киши ҳар қанча улкан гуноҳ қиласа ҳам фосиқ ва осий бўлмайди, ҳатто тавбасиз ўлса ҳам уларга азоб жоиз бўлмайди, деб ҳисоблашади. Ва яна улар иймон ва амал бошқа-бошқа нарсалар деб билишади.

Манба: hadis.islom.uz

